O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАН АСОСИЙ МАҚСАД – ХАЛҚИМИЗ ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЁШ НАСЛИМИЗНИ ТУРЛИ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРДАН АСРАШ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ КЕНГ, УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНТИРИШДИР.**




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 7 июнь, №120 (3232) Шанба


## Ҳавас улғайиб, ихлосга айланмоқда



*Андижон вилоятидан махсус мухбирларимиз Одилжон Шодмоналиев ва Мақсуд Жонихонов хабар қилади.*

Андижонда қад ростлаган муҳташам Олимпия заҳиралари коллежи стадионида тантанали равишда старт олган “Баркамол авлод — 2003” спорт ўйинлари айни паллада қизғин тус олди. Мезбонлару, меҳмонлар катта шодиёнанинг гувоҳига айланиб турибди. Биз спорт мусобақаси тантаналарига йиғилган минглаб спорт ишқибозларининг кўзидаги қувонч, фахрланишни кўриб, бундай байрамлар халқимизнинг энг орзиқиб кутадиган кунларига айланиб бораётганига амин бўлдик.

Бу кунлар қувончига шерик бўлиш учун нафақат юртимизнинг барча гўшаларидан, балки қўшни республикалардан ҳам ташриф буюрган меҳмонларни учратиш мумкин. Биз улар билан суҳбатлашдик.

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлисда



## ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИ

*Маълумки, Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Яқинда мазкур қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. У мамлакатимиз фуқаролари томонидан қизғин муҳокама этилмоқда.*

Қонун лойиҳаси бугунги кун талабларига жавоб берадими? У халқаро андозаларга мосми? Қонунни яна ҳам такомиллаштириш учун қайси моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш керак? Олий Мажлисда бўлиб ўтган давра суҳбатида шу саволларга жавоб изланди.

Давра суҳбати Олий Мажлис Комиссиясининг фуқаровий жамият институтлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш кичик комиссияси, Нотижорат ҳуқуқ бўйича халқаро Марказ (ICNL), АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг кичик грант берувчиси, Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий ўқув дастури (“START”) ЮСАИД томонидан уюштирилди. Унда Олий Мажлис депутатлари, маҳаллий ҳамда халқаро жамғармалар вакиллари, нотижорат ҳуқуқ соҳасидаги мустақил экспертлар иштирок этишди. Суҳбат чоғида қонун лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилди, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида турли таклиф, мулоҳазалар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ислоҳотларни ҳаётга самарали ва изчил татбиқ этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, шу жумладан, прокуратура органлари фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, адолат ва демократия тамойилларининг қарор топиши кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситаларига боғлиқ. Бу фикр Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тарғиб-ташвиқ қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда бот-бот такрорланди.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Пўлат Бобожонов олиб борган анжуманда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда қабул қилинган қонунлар, шу жумладан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни кенг тарғиб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Конференцияда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳиятини ҳар бир фуқарога етказиш, жараёнга аҳолининг барча қатламини жалб этишда жамоатчилик назоратининг асосий таянчи — оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги уқтирилди ва бу борада прокуратура идоралари билан матбуотчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

**Ўз мухбиримиз.**



## «Компрессор» янгиланмоқда

*«Тошкент компрессор заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти компрессор ускуналари ва фильтрлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, у ушбу йўналишда Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда тайёрланган фильтрлар эса автомобиль ва темир йўл транспортида кенг қўлланилмоқда.*

*Кейинги йилларда «Компрессор» заводи бутунлай янгиланмоқда. Хусусан, германиялик мутахассислар ҳамкорлигида янги технология линиялари ўрнатилиб, қоғоз ва елим қўшилган сифатли фильтрлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ана шу маҳсулотлар эса хорижга экспорт қилинаяпти.*

***СУРАТДА:** илғор ишчи Равшан Исмоилов ўзининг қадрдон корхонаси билан ҳамиша фахрланади.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

***ТОШКЕНТ.** (ЎзА мухбири Ф. АРЗИЕВ).*

Юртимизга ташриф буюрган АҚШ давлат котиби ўринбосарининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Линн Паско 6 июнь куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Л.Паско ўз ташрифи давомида қатор самарали учрашувлар ўтказганини, жумладан, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт, Ташқи ишлар, Мудофаа вазирликларида бўлганини мамнуният билан таъкидлади.

— Биз хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, халқаро терорчиликка қарши курашга оид масалалар юзасидан музокаралар ўтказдик, — деди меҳмон. — Мунтазам давом этиб келаётган бундай мулоқотлар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Парламент назорати

## Қонунга зид ҳаракатлар

**ёки қишлоқ хўжалигида ислоҳотнинг оқсаётганига сабаб бўлаётган иллатлар ҳусусида**

*Очиғи, асл фермерга деҳқончиликдан сабоқ бериш кулгили. Негаки, у ерни қачон ва неча марта суғориш-у, нимани қаерда экишни, заминдан қандай ризқ ундиришни яхши билади. Қолаверса, пешонасидан реза-реза тер марваридга айланиб, тупроққа томмас экан, бири икки бўлмаслиги ҳам унга кундай равшан. Бир сўз билан айтганда, унинг тақдири ер билан. Табиатнинг инжиқ кунларини бармоқ букиб санагувчи фермернинг юзини ёруғ қиладиган ҳам, уни кўтарадиган ҳам ер. Шул, сабаб бугун фермер заминнинг асл хўжайини сифатида эътироф этилиб, ҳуқуқлари қонунларда муҳрланмоқда.*

*Модомики, шундай экан, қонунлар ижроси тўлиқ таъминланаяптими? Бугунги фермер ҳақиқатдан ҳам ўз ҳуқуқлари ҳимояланганлигини ҳис қилаяптими? У ўз эртасини қандай тасаввур қилаётир? Илгари хабар берганимиздек, Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси йиғилишида худди шу саволларга ойдинлик киритилди. Унда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг бир йўла учта — Сирдарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги ижроси муҳокама этилди.*

### Ҳоким қарори бекор қилинди

Хўш, Қонун ижросини назорат ва таҳлил қилиш нимани кўрсатди? Тўғри, ҳар учала вилоятда ҳам, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш юзасидан талай ишлар амалга оширилган. Лекин тўлиқ эмас.Шу боис ҳам қишлоқ хўжалигида ислоҳотнинг оқсаётганига кўпинча жойлардаги буйруқбозлик, расмиятчилик, фермерларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш каби иллатларнинг ҳали-ҳамон давом этаётгани сабаб бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Масалан, Сирдарё вилоятида шу йил бошидаги ҳолатга кўра, 4453 та фермер хўжалиги ташкил этилган. Ўртача ҳар бир фермерга 30,7 гектардан ер тўғри келади. Бу, албатта яхши. Аммо, ташкил этилган фермер хўжаликларига ер участкалари ажратиш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиялари қонунга зид ҳаракатлар қилишган.

(Давоми 2-бетда).

## ОКЕАНИЯ ҲАМ ЎЗБЕК КУРАШИ БАҲСЛАРИГА ГУВОҲ БЎЛАДИ

Жаҳон халқлари курашимиз орқали ўзбекни, Ўзбекистонни танимоқда. Маълумки, Халқаро Кураш ассоциацияси ташкил топгач, 4 йил давомида Австралия қитъасидан ташқари барчасида ўз конфедерацияларига эга бўлди. Қисқа вақт ичида тўрт қитъанинг қатор давлатларида бир неча бор мусобақалар ўтказилди. Булар орқали курашимиз тезлик билан ривожланди.

Мана, энди Австралия қитъасида ҳам кураш федерацияси ташкил топди. Халқаро Кураш ассоциациясининг шу йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги Ижроқўм йиғилишида Йохан Башофф ассоциациянинг Австралиядаги расмий вакили этиб тайинланган ва унга қитъада курашни оммалаштириш вазифаси юклатилган эди. Олинган хабарларга кўра, Йохан Башофф раҳбарлигида шу йил 8 июнь куни Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида ўсмирлар ўртасида кураш бўйича илк бор турнир ташкил этилади. Унда узоқ ороллар давлатининг турли чекқаларида яшовчи 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар қатнашади. Шунингдек, йил охирига бориб катталар ўртасида ҳам қитъа чемпионати ўтказилиши режалаштирилган.

Йохан Башоффнинг маълумот беришича, йил сўнггига қадар қитъанинг Фиджи, Янги Гвинея ороллари, Таити, Самоа, Гуам ва Папуа давлатларида кураш федерациялари очилади ҳамда ўз фаолиятини бошлайди.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Пойтахтимизда



## ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми бўлиб ўтди.*

Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова бошқарган пленумда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилишига оид масала муҳокама этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида бошқа соҳалар қатори солиқ тизими ҳам такомиллашмоқда. Жумладан, солиқ қонунчилиги йилдан йилга такомиллашиб, фуқароларга кўпроқ қулайлик яратишга ҳаракат қилинаяпти. Шунга қарамай, аҳоли орасида солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаётган кишилар учраб турибди. Айни шундай ҳолатлар бўйича олиб бориладиган суриштирув, тергов ва суд жараёнларида эса муаммолар йўқ эмас. Шу боис, амалиётда қонунларнинг тўғри ва бир хил қўлланилишини таъминлаш борасида мазкур пленумда тегишли тушунтиришлар берилди.

Айтиш жоизки, солиқлар иқтисодиёт ривожи ва фуқаролар ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун солиқ интизомини мустаҳкамлаш, соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини одамлар онгига сингдириш долзарб вазифалардандир.

Пленумда солиқ, суд ва прокуратура идоралари масъул ходимлари муҳокамага қўйилган қарор лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Ш.Чўллиев, Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев, Бош прокурор Р.Қодиров, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов қатнашди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Жойлардан хабарлар

### СамДУнинг фахрий профессори

**Яқинда жанубий кореялик бир гуруҳ меҳмонлар Самарқандга ташриф буюриб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ҳаёти билан яқиндан танишдилар.**

**Улар ўзлари томонидан беминнат ёрдам сифатида ажратилган 20 га яқин компьютерларни барча жиҳозлари билан СамДУга туҳфа қилишди.**

**Самарқанддаги учрашув давомида жанубий кореялик олим жаноб Шин Хён Суга СамДУнинг фахрий профессори унвони топширилди.**

**«Туркистон-пресс».**

### Водий каратэчилари

**Наманган педагогика коллежида каратэнинг «Пур-хас» Киокушин-кайкан тури бўйича водий ёшлари биринчилиги ўтказилди. Жанговар кураш турлари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган мазкур спорт мусобақаси мезбонларнинг устунлиги билан якунланди. Азим Эргашев, Адҳам Иброҳимов, Аъзам Раҳмонов, Файзулло Ҳотамов сингари каратэчилар ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқиб, мусобақа ташкилотчиларининг эсдалик совғаларини олишди.**

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Транспортчилар ҳиммати

**«Қашқадарётранс» уюшмаси «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси вилоят бўлими ҳисобига бир миллион 400 минг сўм ўтказиб берди, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.**

**Бу транспортчиларнинг болалар спортини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссасидир.**

«Халқ сўзи» назоратида

## Биргаликда таҳлил қилинди



Зебу зардан қиммат

Газетамизнинг шу йилги 7 май сонида «Зебу зардан қиммат» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Фарғона вилоятидаги айрим саноат корхоналаридан чиқаётган ифлос сувлар очиқ ҳавзаларга оқизиб қўйилгани, қатор жамоа хўжаликлари, фермерлар, ижарачилар маъданли ўғитлардан нотўғри фойдаланаётганликлари, сизот сувларини ариқларга буриб юбораётганликлари туфайли бебаҳо неъмат таркиби бузилаётгани хусусида сўз юритилганди. Устига устак, сув тозалаш иншоотлари самарасиз ишлатилаётгани ачиниш ила тилга олинганди.

Шу муносабат билан Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси К. Салоҳидиновдан келган жавобда таъкидланишича, мақола қўмитанинг кенгайтирилган режалаштириш ва ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилинган. Жойларда Фарғона, Қўқон шаҳарлари ҳамда Ўзбекистон, Олтиариқ, Бағдод, Риштон туманлари инспекциялари томонидан тегишли корхона-ташкилотлар раҳбарлари иштирокида таҳлил этилиб, камчиликларга барҳам бериш чоралари белгиланган. Мутасаддилар олдига қўшимча талаблар қўйилган.

## Ироқ: ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНДИ

### Уруш тугади

У билан биргаликда 33 йил давомида халқ бошига камбағаллик ва зулм кишанларини солган Саддам Ҳусайн режими ҳам барҳам топди. Саддамнинг 400 минг сонли армияси тарқатиб юборилди. БААС партиясининг миллат бошига кулфат солган жиноятчи раҳбарлари бирин-кетин қўлга олинмоқда. “*Ушбу тадбирлар Ироқ аҳлига Саддам режими бутунлай тугатилганлиги ва энди қайтиб келмаслигини кўрсатади*”, дейилади АҚШ маъмурияти баёнотида. Умуман олганда, Саддам Ҳусайннинг барча кучлари батамом йўқотилди, БААС партияси ҳам ўзининг расмий мақомидан маҳрум қилинди.

Энди йиллар давомида очлик ва эрксизликда қийналган минглаб инсонлар ҳаётини изга тушириш, мамлакатни оёққа турғазиш биринчи даражали вазифага айланди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳамжамият бу борада бир ёқадан бош чиқармоқда. БМТнинг Ироққа нисбатан қўллаб келган иқтисодий санкцияларини бекор қилиш ва АҚШ, Буюк Британия, Испания давлатлари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган янги резолюцияни кучга киритиш ҳақидаги қарорга БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг 100 фоиз ёқлаб овоз бериши мазкур масалада дунё давлатлари якдил эканлигини кўрсатди. Овоз беришда биргина давлат – Сурия вакили иштирок этмади. Бироқ шундай бўлса-да, SANA ахборот агентлигининг маълумотига кўра, Сурия ҳукумати бу резолюцияни тўла қўллаб-қувватлайди, деб ёзади New York Times газетаси. Қабул қилинган янги резолюция ҳақида кўплаб давлат раҳбарлари ижобий фикр билдирмоқдалар. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэер бу воқеани “*Саддам Ҳусайн режимини куч билан ағдариб ташлаш борасида юзага келган жаҳон ҳамжамиятидаги бўшлиқнинг йўқолиши*” деб баҳолади. Мамлакат аҳли эса янги резолюцияни катта хурсандчилик билан қабул қилди.

### Янги резолюция

Хўш, ушбу резолюция Ироққа нима беради? Аввало, 1990 йил августда Саддам Ҳусайн қўшинларининг Қувайтта бостириб кириши билан бошланган иқтисодий жазо чоралари бекор қилинади ва Ироққа бошқа барча мамлакатлар қатори нефть сотиш ҳуқуқи берилади. Нефть савдосидан тушган пуллар фақат мамлакатни қайта тиклаш ва халқ манфаатлари йўлида сарфланади. Бу маблағлар дастлаб АҚШ ва Буюк Британия иштирокида ташкил этиладиган Ироқ Марказий банки таркибидаги махсус орган — Ироқни Ривожлантириш Жамғармаси томонидан бошқарилади. AFP ахборот агентлиги маълумотига кўра, мазкур орган Жаҳон банки, Халқаро Валюта Жамғармаси мутахассислари ва БМТ Бош котиби Кофи Аннандан иборат маслаҳат кенгаши ҳамда халқаро ҳамжамият назорати остида ишлайди.

Резолюцияга кўра, БМТ Ироққа ўзининг махсус вакилини тайинлади ва унинг ёрдамида мамлакатда бўлаётган барча жараёнларни узлуксиз мониторинг остига олди. Қайд қилиб ўтиш керакки, БМТ фақат назорат ва таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиб, ҳал қилув қарорлари дастлаб (мунтазам бошқарув ўрнатилгунига қадар) АҚШ ва Буюк Британия, кейинроқ эса Ироқ халқининг ўзи томонидан қабул қилинади.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Қонунга зид ҳаракатлар

Чунончи, Сайҳунобод тумани комиссияси нимагадир айни бир ер майдонини ҳам «Айдар ота», ҳам «Равшан Ўтанбоев» фермер хўжаликларига бериш ҳақида қарор чиқарган. Сирдарё туманидаги «Носир ота», Шароф Рашидов туманидаги «Мадад» фермер хўжаликларининг ерлари эса туман ҳокимлари қарори билан асоссиз равишда ширкат хўжаликлари ихтиёрига ўтказилган. Табиийки, ноқонуний қарорлар жабрини яна фермерлар кўрган. Улар кўп бор туман ҳокими ҳузурига қатнашган. Лекин бу оворагарчилик натижа бермагач, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлишган. Бундай мурожаатлар сони Сирдарё вилоятида 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 36 фоизга ошган. Самарқанд вилоятида ўтган йил давомида 392 тани, Жиззахда эса 145 тани ташкил этган. Демак, бир йилда учта вилоятда шунча фермер хўжалиги фаолиятига асоссиз аралашилган. Тўғри, туман ҳокимларининг қабул қилган қарорлари суд орқали бекор қилинди. Бироқ шунгача юзлаб фермерларнинг қанча вақти кетди? Бундан ким зарар кўрди? Ҳамма. Уруғ кеч экилди, ниҳол кеч кўкарди, кеч суғорилди. Натижада ҳосилга путур етди.

## Шартнома тузишдан мақсад нима?

Фермер бир кафт буғдойни бир пуд қилгунга қадар не бир кунларни бошидан кечирмайди, дейсиз. Улар қишнинг қаҳратон, баҳорнинг инжиқ, ёзнинг жазирама кунларида ҳам ўз ҳузур-ҳаловати, орому оройишини ризқ-насиба ундириш учун бахшида этади. Уруғи ниш отиб, туп ёйганда ҳам тинчимайди. Йўқ, улар «Мен ундоқ қилдим, мен бундоқ қилдим» деб мақтанишмайди. Қаҳрамонликка ҳам даъво қилишмайди. Сўрасангиз, жавоби ўзи каби содда: «Шунча ҳосил олдик. Бу бизни ҳам, халқни ҳам тўйдиради...» Фермерга нима керак? Фақат унинг эркинлиги таъминланиб, фаолиятига беҳуда аралашилмаса, бас. У бийдай чўлда ҳам гул ундиради.

Юқорида зикр этилган қонун ижроси ўрганилганда, бунга яна бир бор ишонч ҳосил бўлди. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги «Каттағон» фермер хўжалигига мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ер берилганда, кўпчилик уларнинг катта даромад олишига шубҳа билан қарашганди. Йил якунидаги натижа эса мутлақо бошқача бўлди. 4 миллион сўмга яқин соф фойда кўрилди. Ёки Каттақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги 2001 йилни роппа-роса 39 миллион сўм зарар билан якунлаган эди. Ўшанда мазкур хўжалик раҳбарлари ўнлаб баҳоналарни рўкач қилишганди. Шундан сўнг ушбу хўжалик тугатилиб, 17 та фермер хўжалигига айлантирилди. Рости, эришилган натижадан собиқ хўжалик раҳбарлари ёқа ушлаб қолишди. Негаки, фермерлар биринчи йилнинг ўзидаёқ 32 миллион (!) сўм даромад олишди. Аммо уларга эътиборчи? Ҳар учала вилоятда ҳам аксарият ҳолларда фермер хўжаликлари билан тайёрлов корхоналари ўртасида тузилган шартнома талаблари корхоналар томонидан бажарилмаётгани аниқланди.

Биргина Гулистон пахта тозалаш корхонаси билан тумандаги 39 та фермер хўжаликлари 2001 йил ҳосилидан топширилган пахта хомашёси учун контрактация шартномаларини имзолашди. Аммо шартнома талаблари корхона томонидан ўз вақтида бажарилмаганлиги учун фермер хўжаликлари қарийб 12 миллион сўм зарар кўрди. Бундан «жиғибийрон» бўлган фермерларнинг изтиробларини таърифлашга сўз ожиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, шартнома тузишдан мақсад нима? Албатта, ҳар бир киши шартномани имзолар экан, ундан даромад, наф кўришни мақсад қилади. Лекин Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги фермер хўжаликлари кўп ҳолларда тузилган шартномадан зарар кўришди. Дейлик, Самарқанд туманидаги фермер хўжаликлари 2002 йилда тайёрлов ташкилотлари билан тузилган шартномавий режалар бўйича топширган маҳсулотларига тўланадиган пулни ўз вақтида ололмай, судга мурожаат қилишган. Хизмат кўрсатувчилар томонидан ўтган йил ҳосили учун баъзи фермер хўжаликларига минерал ўғит ва техника меъёрига нисбатан кам ажратилган. Натижада 1711 та фермер хўжалигида 105, 7 миллион (!) сўмлик дебиторлик қарзлари вужудга келган. Ёки Жиззах вилоятидаги «Йўлдош ота» фермер хўжалиги техника хизмат кўрсатиш бўйича Зарбдор туман МТП билан шартномаси бўлса-да, 17 гектар ерга чигит эколмай, зарар кўрган.

Айниқса, нефть маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан тузилган шартномалар ижроси ҳеч кимни қониқтирмайди. Ташвишли жиҳати шуки, шартномага мувофиқ, фермер хўжаликларининг пул маблағлари нефть базалари ҳисоб рақамларига келиб тушган. Аммо маҳсулот узоқ вақт асоссиз равишда берилмаган. Ва бу қинғирликларга ҳам суд орқали чек қўйилган. Устига устак, тайёрлов ва қайта ишлаш ташкилотларининг ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги етмаганидек, улар фермер хўжаликлари томонидан давлат эҳтиёжи учун етиштирилган маҳсулотларнинг пулини ҳам ўз вақтида тўлашмаяпти. Жумладан, «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси қошидаги Пахта ва пахта маҳсулотлари контрактацияси ва ҳисоб-китоб маркази ўтган йилида давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб берган хўжалик ва фермер хўжаликларига 1093,7 миллион сўмлик тўловни шу йил февраль ойига қадар ҳам тўлашни пайсалга солган. Бу ҳам майли, аммо шартнома шартлари банклар томонидан ҳам бажарилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Кўпгина ҳолларда банк корчалонлари хўжалик субъекти розилигисиз, уларнинг ҳисоб рақамларидаги пешона тери билан топган пулларини бошқа ташкилотларга «ҳадя» қилишган. Масалан, Арнасой туманидаги «Довулбой ота» ва «Малҳам» фермер хўжаликлари пулларини тумандаги «Тадбиркорбанк» ва «Пахтабанк» бўлими олғирлари «ломлим» демасдан, ўзга корхоналар ҳисоб рақамига ўтказиб, «саховатпешалик» кўрсатишган. Ахир, бу хизматга туҳмат эмасми? Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ижроси ўрганилганда, бу борадаги яна кўпдан-кўп муаммо ва камчиликлар аён бўлди. Вилоят ва туманлардаги фермер хўжаликлари уюшмалари ҳозирда фақатгина ҳисоб-китоб қилиб ўтириш билан чегараланиб қолаётгани кўзга ташланди. Қўмита йиғилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар белгиланди, тавсиялар берилди.

Бугун қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш биз учун энг долзарб масалалардан бири, деб қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, қонун ишлаган жойда меҳнат қадр топади. Одамларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланади. Шундай экан, оддий фуқародан тортиб, мансаб курсисида ўтирган раҳбаргача — ҳар биримиз қонун олдида жавоб беришга бурчлимиз.

**Фуркат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯНГИЛАНГАН ЖАМИЯТ

## замонавий бошқарувни тақозо этмоқда

XXI асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Бугунги кунда илмий ютуқларга таяниб иш кўриш, янги технологияларни ўзлаштириш замонамизнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Айнан шу омиллар инсоният тараққиётининг истиқболларини белгилаб бермоқда. Бошқача қилиб айтганда, дунёда инновацион янгиланишлар даври бошланди. Бундай шароитда илм-фандаги янгиликлар, янги технологияларнинг давлат бошқаруви соҳасида жорий қилиниши, сўзсиз бошқарувнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давлат бошқарувида инновацион технологияларни қўллаш – илм-фан янгиликларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида сифат ўзгаришлари келтириб чиқарадиган ташаббусларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ фаолиятдир. Мазкур технологиялар, энг аввало, бошқарув меҳнатининг сифати ва самарадорлигини оширишга, бошқарув механизмини яхшилашга, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиётини таъминлашга йўналтирилган. Ўтиш босқичларида давлат бошқарувида инновацион технологияларни қўллаш, айниқса, алоҳида долзарблик касб этади. Чунки бундай босқичларда давлатни бошқариш услублари тубдан ўзгариб, бошқарувни такомиллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янгиланишларни амалга оширишга зарурат туғилади.

Демократик тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарувини такомиллаштириш, бошқарувда инновацион технологияларни қўллаш ҳам эҳтиёж, ҳам заруратга айланган. Ўтиш даврида давлатга бош ислоҳотчилик вазифасининг юклатилганлиги эса мазкур эҳтиёж ва заруратни янада кучайтиради. Бугунги кунда бошқарувда банд кишилардан янгича фикрлаш, фаолиятини замон талабларига мослаштириш, фуқаролар билан ҳамкорликни тубдан қайта қуриш талаб этилади.

Жамиятда юз бераётган жадал ўзгаришлар, тараққиётнинг бугунги суръатлари ҳар бир инсоннинг иқтидори ва салоҳиятини жамият ривожига йўналтиришга ундамоқда. Зеро, инсон омилига эътибор қаратмасдан, у билан ҳисоблашмасдан туриб, жамиятни тараққий эттириб бўлмаслиги айни ҳақиқатдир. Демак, жамият тараққиёти суръатларини жадаллаштириш учун, кишиларнинг моддий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини жамият ривожи сари, давлат равнақига йўналтириш учун асосий ва муҳим ресурс – инсоний ресурсдан, яъни жамиятдаги ҳар бир инсоннинг имкониятларидан тўлақонли, оқилона ва самарали фойдаланиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ижтимоий муаммоларни инсонпарварлик, ахлоқ, ижодкорлик, танлов эркинлиги, масъулият тамойиллари асосида ҳал қилиш технологияларининг салмоқли заҳираси мавжуд. Айнан шу инновацион технологиялар инсонларнинг ҳаётини уюштириш, уларнинг мулоқотини ташкил этиш, кишиларнинг турмуши сифатини ошириш, ҳар бир шахснинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга ва шу орқали жамият тараққиётига хизмат қилади. Хусусан, республикамизда давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтириш, уларнинг бу сиёсатни маъқуллашларига эришиш, муаммоларни ҳал қилишда жамоатчилик фикрига таяниш, фуқароларнинг манфаатлари ва истакларини ўрганиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш, давлат органлари фаолиятининг фуқаролар учун яқинлашувини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қиладиган "Жамоатчилик билан алоқалар" технологияларидан фойдаланишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Шунингдек, миллий истиқлол ғояси тарғиботининг таъсирчанлигини оширишда ахборот омилидан самарали фойдаланиш ҳам бошқарувда инновацион технологияларни қўллашни тақозо этади. Зеро, бу соҳада ахборот технологияларидан, тарғибот-ташвиқотнинг янги усулларидан самарали фойдаланиш орқали ҳар бир шахс салоҳиятини юзага чиқаришга эришиш мумкин. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастури"да таъкидланганидек, "маърузани тарғиб-ташвиқ қилишда ўтказилаётган тадбирларни кампанияга айлантирмаслик, "ўқиб бериш" усулларидан воз кечиш, тадбирларни "мажбуриятга" айлантирмаслик, одамлар билан очиқ-ойдин ва юзма-юз мулоқотдан қочмаслик" каби талабларга амал қилиш мазкур тадбирларни ўтказишда инновацион технологияларни қўллашни тақозо этади. Давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, манфаатлар уйғунлигига эришиш, мақсадлар ва воситаларини аниқлаш мақсадида башорат қилиш, режалаштириш, дастурлар ишлаб чиқиш, қарорлар қабул қилишда ҳам бошқарувнинг инновацион технологик бўғинларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, давлат бошқарувида инновацион технологияларни қўллаган ҳолда барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий муаммоларни бирданига ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Зеро, инновацион бошқарув технологияларини қўллаш учун тегишли объектив шарт-шароитларнинг бўлиши ва субъектив омилнинг етилиши ҳам талаб этилади. Давлат даражасида оладиган бўлсак, объектив омиллар қаторига мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, қўлланилаётган технологияларнинг илмий жиҳатдан пухталиги, кечаётган жараёнларнинг барқарорлиги, давлатнинг мавжуд техник, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги каби омиллар киритилади. Бундан ташқари, субъектив омилнинг етилиши деганда аҳолининг ижро интизоми ва меҳнат соҳасидаги фаоллиги, ташаббускорлиги ва қатъиятлилиги, ишга ижодий ёндашиши, иродаси, вазиятни яхши томонга ўзгартиришга интилиши, яратувчан технологияларга ўтиш заруратини англаши назарда тутилади. Шу билан бирга, бошқарув субъектининг манфаат ва эҳтиёжларини ҳам субъектив омиллар сирасига киритиш мумкин.

Демак, юқорида зикр этилган масалалар бўйича мутасаддиларнинг ўз фаолиятида мазкур технологиялардан фойдаланиши Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили, жамиятни янгилашнинг асосий шартларидан биридир.

**Акмал АБДУҒАФФОРОВ.**

# Журналнинг навбатдаги сони

"Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси"нинг навбатдаги, саккизинчи сони нашрдан чиқди.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи билан бошланади.

Журналда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги /янги таҳрири/ Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган.

Журналнинг "Демократия ва жамият" бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси Б.Мустафоевнинг Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси чоп этилган.

Ушбу бўлимнинг давомида "Конституциявий суд: тикланиш даври, мақсад, вазифалар", "Ҳуқуқий нормаларнинг Конституцияга ва қонунларга мувофиқлигини назорат қилишда конституциявий ва бошқа судлар ваколатлари доирасининг чегараланиши", "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конституциявий суднинг ўрни", "Конституция ва давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги ва демократик институтларнинг ривожланиши" мавзуидаги мақолалар эълон қилинган.

"Хорижий мамлакатларнинг конституциявий юрисдикцияси" рукнида "Германия Федератив Республикаси суд тизимида Федерал конституциявий суднинг ўрни" мавзуидаги мақола берилган.

Ахборотноманинг "Воқеалар" бўлимида Конституциявий суднинг кундалик фаолияти натижалари қонунларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларда ўз аксини топаётганлиги ҳақида сўз юритилади.

**(ЎзА).**



*Чўл зонасида ғалладан юқори ҳосил етиштириб, Қизилқум этакларига туташ Шофиркон тумани «Бухоро» ширкат хўжалиги Қоратепа массивининг довруғини бутун республикамиз бўйлаб таралишида Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латиповнинг хизматлари катта. А. Латипов бошчилик қилаётган жамоа ўтган йили 570 гектар ерга ғалла уруғини қадаб, ҳар гектар ердан 71,10 центнердан ҳосил олишга эришган эди.*

*Бу йил ҳам жамоа парваришлаган ғалла анча илгари етилиш палласига кирди. Баравж ўсган экиндан ҳосилдорлик ўтган йилдагидан ҳам ортиқ бўлиши кўзда тутилмоқда.*

*Жамоа аъзоларининг шашти баланд. Улар бу йил ҳам етакчиликни қўлдан бермоқчи эмас. Ғалла мавсумига техникасидан тортиб, ишчиларигача шай турган жамоа вилоятда биринчилардан бўлиб, ўрим-йиғимга киришмоқчи.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ОЛИМЛАР МУЛОҚОТИ

*ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ).* Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украинадаги илмий-технологик марказ ижрочи директори Ив Кармел раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Фан ва технологиялар маркази директори Пўлат Ҳабибуллаев билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонлик олимлар мунтазам равишда турли дастурларда иштирок этаётгани ва уларнинг кўплаб соҳалардаги лойиҳаларига дунё мутахассислари томонидан юқори баҳо берилаётгани бу фикрнинг далилидир.

Суҳбат чоғида икки марказ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, қўшма лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

Мутахассис минбари



# Ғўза парваришида муҳим палла

*Бу йил об-ҳаво салқин келганлиги туфайли мамлакатимиз далаларида ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бир текис эмас. Аксарият майдонларда ғўза униб чиққан, барвақт уруғ қадалиб табиий офатдан зарар кўрмаган, айниқса, плёнка остига экилган пайкалларда 5-6 та чинбарг чиқариб шоналаш босқичига кирган. Ҳатто жанубий вилоятларда гуллаш арафасида турибди. Шу билан бирга ёғингарчилик натижасида қайтадан экилган майдонларда ғўза эндигина 2-3 та чинбарг чиқарган. Демак, кўпчилик вилоятларда турли ҳолатлардаги ниҳоллар мавжуд. Айрим пайкалларда экин ривожи ўтган йилдагига нисбатан 15-20 кун орқада.*

Бу йилги об-ҳавонинг серёғин бўлиши бегона ўт униб чиқиши ва жадал ривожланиши учун қулай шароит яратиб беради. Маълумки, бегона ўт тупроқдаги минерал озуқа ва намликни ғўзага нисбатан тез ва кўп ўзлаштиради. Ҳозирги вақтда ғўзани суғоришга алоҳида эътибор бериш лозим. Нам кўпку, деб бепарво бўлиш, ғўзанинг сувга бўлган талабини назоратсиз қолдириш асло тўғри келмайди. Экинни ортиқча суғориш, захлатиб қўйиш ҳам ғўзанинг ғовлаб кетишига олиб келади.

Захоб чуқур жойлашган ерларда вегетация даврида сув бериш меъёри гектарига 1000-1100 кубометр атрофида бўлиши лозим. Умуман суғоришлар оралиғидаги давр тупроқ намлигидан, ғўзанинг ривожланиш фазасидан ва об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

Қумли ва кам унум тупроқларда бу кўрсаткич 700-800 кубометрни ташкил қилиб, суғориш оралиғи захоб суви чуқур жойлашган далаларга нисбатан 1,5-2 марта кўп бўлгани маъқул. Захоб суви яқин жойлашган майдонларда эса суғориш оралиғи қумлоқ ва кам унум тупроқларга нисбатан 2 марта кам бўлишига эришиш лозим.

Пахтачилик илмий-тадқиқот институти тажрибалари кўрсатишича, суғориш муддати муқобилга нисбатан 4-5 кун кечса, ҳосилдорлик 3-4 центнер ва ундан ҳам зиёд камаяди. Ҳозирги кунда суғориш давомийлиги 24-36 соатдан ошмаслиги керак. 2-3 кун ва ундан ортиқ муддат сув тараш асло мумкин эмас. Негаки, тупроқ ортиқча намланиб, озуқа моддалар ювилиб кетади, сизот сатҳи кўтарилади. Ушбу даврда тупроқ шароити ва ер ости суви жойлашишини ҳисобга олиб, эгат ташлаб суғорган ҳам маъқул. Тунги сувга алоҳида эътибор бериш лозим. Тупроқда кўпроқ намни сақлаш, буғланишини озайтириш, сувдан кейин ўса бошлаган бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида бу тадбирни қатор ораларига ишлов бериш билан боғлаб олиб бориш талаб этилади.

Маълумотларга кўра, ҳозиргача хўжаликларда 2-3 марта ва ундан ҳам зиёд культивация ўтказилган. Бу иш қизғин давом этмоқда. Бугунги кунда парваришни сусайтирмаслик муҳимдир. Ҳар бир суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан яхши созланган культиваторларда тегишли иш органлари тақилган, ишчи қисмларнинг қиррали жойлари ўралган культиваторлар ёрдамида ишлов ўтказишни тавсия этамиз.

Сувдан кейин ер етилган заҳоти культивация қилиш лозим. Бу юмушни бирор кун ҳам кечиктириб бўлмайди. Агар 2-3 кун кечикса, тупроқ майда, донадор бўлиш ўрнига катта-катта кесаклар пайдо бўлади. Бу ғўзанинг илдиз қисмини шикастлантиради, нам кўп буғланишига олиб келади. Пахтачилик илмий-тадқиқот институти тажрибалари культивация 2-3 кун кеч ўтказилганда пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнер, 5 кун кечиктирилганда 6 центнерга камайишини кўрсатди. Таъкидлаш керакки, ҳосилнинг камайиши асосан биринчи нав ҳосил ҳисобига бўлади.

Культивация чуқурлиги алоҳида аҳамиятга эга. Қатор оралиғи 60 сантиметр экилган пайкалларда культиваторнинг ўртадаги ишчи қисми механик таркиби оғир ёки ўртача бўлган тақдирда 12-14 сантиметрдан, 90 сантиметр қатор оралиғида эса 14-16 сантиметрдан ошмаслиги лозим. Қатор оралари қаттиқ зичлашиб қолган далаларда культивация чуқурлиги 60 сантиметр кенгликда 16-18 сантиметргача, 90 сантиметр кенгликда эса 18-20 сантиметр бўлгани маъқул. Четки ишчи қисмлари юқорида кўрсатилган жойларда 8-10 сантиметрдан ошмаслиги зарур.

Баъзилар қанча кўп ишлов берилса, ҳосил шунча мўл бўлади деган хаёлда кетма-кет культивация ўтказишаверади. Илмий текширишлар ва тажриба натижасида булар фойдасиз эканлиги аниқланган. Аксинча ҳосилга зарар етказиб, таннархни қимматлаштириб юборади.

Бу йилги шароитда ғўзани озиқлантиришда алоҳида ёндошув талаб қилинади, ривожланишдан орқада қолаётган, оласига экилган ғўзаларда ва бузиб экилган пайкалларда қатор ораларига маҳаллий ва минерал ўғитлар билан, айниқса, азот, фосфор, калий ўғитларининг илмий асосланган меъёрлари билан озиқлантириш вегетация жараёнини тезлаштириб, ғўзанинг тезроқ амалга киришини таъминлайди ҳамда йиллик минерал ўғитлар нормасини 1 июлгача солиб бўлишни тақозо этади.

Май ойи об-ҳавоси ғўза зараркунандалари касалликларини ва бегона ўтларнинг кўпайиши учун қулай келди. Бу йилги ғўза пайкалларида ўргимчаккана, тамаки трипси, ўсимлик бит(шира)ларининг ривожланишига об-ҳаво шароити яхши шароит туғдирди.

Ўргимчаккана билан зарарланган ғўза ўсишдан қолади, барг, шона ҳатто гуллари тўкилиб кетади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг маълумотига кўра, агар июнь ойида ғўза ўргимчаккана билан зарарланса, вақтида кураш чоралари олиб борилмаса, ҳосилнинг 50-60 фоизи нобуд бўлади. Бу зараркунандага қарши биолабораторияларда кўпайтирилаётган олтинкўз йиртқичини 1:20; 1:30; ва 1:50 нисбатларида қўйиш тавсия этилади. Профилактик чора сифатида зараркунанда хавфи бўлган майдонларда четига гектарига 20-40 килограмм олтингугурт кукунини чанглатиш тавсия этилади.

Зарарланган далаларга 0,5-1,0 даражали олтингугурт оҳак қайнатмаси (ИСО)ни гектарига 250-300 литр ишчи эритмаси билан пуркаш ҳам яхши самара беради. Ўргимчаккана билан кучли зарарланган майдонлар аниқланганда, унга қарши Даргит, 57% эм.к. 1,5 л/га, Узмайт, 30% к.с. 3,0 кг/га препаратларидан бирортасини қўллаш яхши самара беради. Кимёвий кураш воситаларидан 10 фоизли Ниссарон намланувчи кукуни гектарига 100 грамм сарфланади. Омайт 57 фоизли эмульсия концентрати гектарига 1,5 литрдан сарфланади. Июнь ойида тамаки трипси, ўсимлик бит(шира)лари ғўзага жиддий зарар етказиши мумкин. Бу даврда ғўзага энг хавфли кушанда бўлган кўсак қурти ҳам зарар етказади. У ғўзанинг шона, гул ва кўсакларини зарарлайди. Бу вақтда айниқса жанубий худудларда кўсак қуртининг иккинчи авлоди ривожланиб шонага кирган ғўзаларни зарарлайди.

Кўсак қурти капалакларининг учишини феромон тутқичларга дастлабки капалаклар тушгандан сўнг 2-3 кун ўтказиб, уларнинг табиий кушандаси бўлган трихограмма тухумхўрини ҳар 7 кун ўтказиб, 3 марта қўйиш тавсия этилади. Кўсак қуртининг катта ёшдаги қуртларига қарши бракон хебеторни 1:5 ва 1:10 нисбатларида қўйиш тавсия этилади.

Кўсак қурти жуда кўп бўлган тақдирда уларга қарши 30 фоизли Данитол э.к. гектарига 0,7 литр, 5 фоизли Каратэ гектарига 0,5 литр, 5 фоизли Кинмикс к.э. гектарига 0,6 литр қўллаш тавсия этилади.

Кейинги йилларда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида ғўза оққаноти деган ҳашорат экинга кўп зарар етказмоқда. Бу зараркунанда шимолий худуддаги ғўзаларга ўта бошлагани тўғрисида маълумотлар бор. Тошкент, Бухоро, Андижон, Қашқадарё вилоятларининг иссиқхона хўжалиги яқинидаги пахта майдонларида ҳам бу ҳашорат учраяпти. Бу оққанотга қарши олтинкўз йиртқичи 1:20; 1:30; ва 1:50 нисбатларида қўйиш яхши самара беради, айниқса, оққанотнинг паразити энкарзия энтомофаги 80-90% гача самара беради.

Бу йилги об-ҳаво ғўзанинг илдиз чириш, гоммоз ва вилт касалликларига чалинишига имконият яратди. Уларга қарши бутун чоралар билан курашиш керак. Агротехник тадбирларни бажаришда культивация ишчи қисмлари ғўза илдизини шикастламайдиган қилиб ўрнатиш зарур. Экинни бўғзига қадар тупроқ билан кўмиб, яхшилаб қиздириш тавсия этилади. Бу ғўза касалликларини қўзғовчи микроорганизмлар ривожланишининг олдини олади. Суғориш муддатлари ва берилаётган сув миқдори вилт билан касалланган майдонларда зарарни камайтиришнинг муҳим омилларидан биридир. Бу касаллик ўрта ва кучли даражада тарқалган пайкалларда сув жўягининг узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги керак.

Шунингдек, ғўзанинг озуқа моддаларга, жумладан калий ўғитига талабини тўла қондириш унинг чидамлилигини оширади. Бу йилги шароитда органик ўғитларнинг аҳамияти беқиёсдир. Гўнг, бошқа турли шарбатларнинг кўп миқдорда бўлиши замбуруғига қирон келтирувчи микроорганизмларга эга, ўстирувчи моддаларга бой ҳисобланади. Вилт тарқалган майдонларда экинни минерал ўғитлар, айниқса калий, азот билан озиқлантиришни ғўзани гуллашга қадар тугаллаш мақсадга мувофиқ. Пайкалларга тезроқ органик ва минерал ўғитлар солиб ерни юмшатиш тавсия этилади. Вилт билан зарарланган жойларга камида икки марта 4-5 чинбарг чиқарганда ва шоналаш фазасида гектарига 2 килограммдан 50 фоизли фундазол эритмаси билан ишлов бериш тавсия этилади. Зараркунандаларга ва касалликларга қарши кураш вақтида, хўжаликларда назоратчилар ва тезкор штаблар мунтазам ишлаб туриши керак.

**Ойбек КИМСАНБОЕВ,**
**Аҳрор САЪДУЛЛАЕВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари.**



# КУЛТЕПАДАН ТАРАҚҚИЁТ ЧЎҚҚИЛАРИГА

Тикланиш тарихидан

Корея Республикаси ҳозирги тараққиёт даражасига ўз-ўзидан эришган эмас. Бу тарих ҳаммамизни қизиқтириши табиий, албатта. 1943 йили Қоҳирада АҚШ, Буюк Британия ва Хитой давлатлари декларация имзолашади. Унда Япония мустамлакаси бўлган Кореяни эркин ва мустақил давлатга айлантириш кўзда тутилган эди. У ердаги Япония ҳарбийларини тезроқ таслим қилиш учун 1945 йил августда шўролар армияси, сентябрда америкалик ҳарбийлар Кореяга келди. Зеро, Кореянинг бўлиниши ана шундай бошланган эди.

Ўша йилларда Шимол ҳам, Жануб ҳам ҳарбий қудратини оширишга зўр берди. 1950 йил 25 июнида бошланган уруш улкан маънавий, иқтисодий талофатдан бошқа нарса келтирмади. Урушда ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар сони 2,5 миллиондан зиёд кишини ташкил қилди. Тўқнашувлар юз берган ҳудудларда (асосан Жанубий Корея ҳудуди) 2,5 миллион киши бошпанасиз қолди. Мамлакат култепага айланди.

Мана шу даҳшатдан чиққан Корея Республикаси олдидаги биринчи вазифа иқтисодиётни тиклаш эди. Бунда асосий ёрдам БМТ ва АҚШдан олинди. Бир неча йил ичида халқ хўжалиги оёққа туриб, саноатнинг янги тармоқлари вужудга келди. Лекин мамлакатдаги вазият мутлақ барқарор бўлмагани тараққиётга жиддий тўсқинлик қилди. 1960 йилдан 1980 йилларнинг охиригача Кореяда кўплаб давлат тўнтаришлари, можаролар бўлди. Лекин 50 йиллик бу эврилишлар халқ иродасини асло буколмади. Унинг бугунги кундаги муваффақиятлари ҳам ана шу метин ирода ва қатъият самарасидир. Сиёсий жараёнлар қай йўналишда эканидан қатъи назар, халқ доим адолат томонда турди. Ҳукумат инқирозлари ҳам, намойишлар ҳам халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, таълим-тарбия ишларини кучайтиришга тўсқинлик қила олмади.

Мамлакат иқтисодиёти аввал бошданоқ хусусий тадбиркорлик тамойилларига таянди. Фақат темир йўллар, алоқа тармоқлари ва жуда кам миқдорда энергетика, кўмир қазиб олиш ва қора металлургия соҳаларининг айрим компанияларигина давлатга қарашли эди. Ҳукумат иштирокида тузилган қўшма корхоналар фаолият кўлами ҳам кенг эмасди. Улар минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарарди. 1980 йилгача банкларнинг кўпчилиги давлатга қарашли эди, лекин кейин улар оммавий тарзда хусусийлаштирилди.

1960-1970 йилларда ҳукумат хусусийлаштириш баробарида тадбиркорларга субсидия ва турли имтиёзлар берди, экспортбоп маҳсулот чиқарадиган тармоқларни рағбатлантирди. Ҳукумат янги сармоя ёткизиш, молия манбаларини топиш, хорижга чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва нархини белгилаш каби масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда йирик экспортчилар билан маслаҳатлашар эди. Шу тариқа тадбиркорлар тажриба ва маблағ орттириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириб борди. Кейинчалик улар йирик молия-саноат гуруҳлари ("чэбол")га бирлашди. "Самсунг", "Хёндэ", "Дэу", "LG" каби гуруҳлар ҳозир Жанубий Корея иқтисодиётида катта ўрин тутади ва шу билан бирга, аллақачон жаҳонда довруғ қозонган.

Қатор йиллар давомида иқтисодиёт катта суръат билан ривожланиб келди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) йилига 10 фоиздан ўсди. Юқори технологиялар ишлатиладиган соҳаларга эътибор кучайтирилгани сари қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчиликнинг ЯИМдаги ҳиссаси камайиб, тоғ-кон ва қайта ишлаш саноатининг салмоғи ортиб борди.

> *Ҳурматли таҳририят!*
> *«Халқ сўзи» саҳифаларида Япониянинг иккинчи жаҳон урушидан сўнг тикланиши, бугунги даражага кўтарилиши тарихи ҳақидаги мақолани зўр қизиқиш билан ўқидик. Мумкин бўлса газетанинг навбатдаги сонларида Корея Республикаси, Германия давлатларининг тикланиш тарихи ҳақида ҳам мақола берсаларингиз.*
> **Ҳадича ИСОМИДДИНОВА,**
> **Қибрай тумани.**

Шу қаторда сармоя жалб қилишга аҳамият берилди. 1960 йили сармоянинг ялпи маҳсулотдаги ҳиссаси 15 фоизни ташкил этган бўлса, 1990 йиллар бошида бу кўрсаткич қарийб 40 фоизга чиқди. ЯИМ ўсишини ҳисобга олсак, бу жуда катта қийматдир.

1960 йилларнинг ўрталаригача ишсизлик ва ярим бандлик жуда оғир муаммо бўлиб келди. Индустрлаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши туфайли 1970 йили ишсизлик 4,5 фоизни ташкил этди. 1990 йиллар ўрталарида у ҳатто 2,5 фоизга ҳам тушди.

1945 йилга қадар Жанубдаги электр энергияга эҳтиёж Шимолдаги ГЭСлар билан қондириларди. Бўлиниш катта қийинчиликни юзага келтирди. Бу муаммо кўмир билан ишлайдиган иссиқлик электр станциялари қурилиши билан ечилди. 1970 йилдан бошлаб нефть билан ишлайдиган станциялар, 1977 йили эса илк АЭС қурилди.

Қайта ишлаш саноати урушгача ҳам чекланган эди. Урушдан кейин ишлаб чиқариш қувватлари асосан барбод бўлди. Кейин эски корхоналар тикланиб, янгилари қурилди. Лекин кўлам ҳамон илгаригидек эди. Озиқ-овқат, пахта, каучук, тери қайта ишланарди, холос.

Шундай эса-да, ҳукумат зўр бериб, экспортни рағбатлантириш йўлидан борди. Одамларнинг ишбилармонлиги, пухта режалар аввалига мато, кийим, пойафзал, фанер каби маҳсулотларни хорижга сотиш имкониятини яратди. Кейинроқ электрон буюмлар, микроэлектроника ва қора металлургия маҳсулотлари, автомобиллар ҳамда кемалар ишлаб чиқарила бошлади. 70-йиллар бошига келиб, ярим тайёр маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган янги тармоқлар вужудга келди. Тадбиркорлар пўлат буюмлар, синтетик толалар, пластмассалар ишлаб чиқаришга киришди.

Сиёсат ўз йўли билан борар, иқтисодий соҳада эса ишбилармонга ҳукумат, ҳукуматга ишбилармон қарашар эди. Экспортнинг ҳажми ва хорижга чиқариладиган маҳсулотлар турларини ошириш учун йирик нефтни қайта ишлаш ва металлургия заводларини қуриш талаб этиларди. Ҳукумат зудлик билан тегишли қарорлар қабул қилди.

Урушдан кейинги аграр соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 1948-1949 йиллардаёқ соҳада ислоҳот ўтказилиб, бунинг натижасида 1,5 миллион деҳқон хўжалиги ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Унгача ер давлат ё абсентеист зодагонлар қўлида эди. Шундан кейин соҳада ихтисослашув жадаллаша бошлади. Саноат ўсимликлари, тамаки, ҳатто кунжут экилди. Мева ва полиз экинларининг турлари кўпайди. 1960-1980 йиллар орасида паррандалар тўрт баробар, чорвачиликда туёқлар сони 2 минг фоиз ортди. Жанубий Корея Япония ва Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатларга катта миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга ўтди.

Урушдан кейинги давр, ўзига хос муҳит одамлар онгида ишбилармонлик кайфияти ва тадбиркорлик ҳис-туйғусини ривожлантирди. Онг-тафаккур кескин ўзгариб, одамлар кенгроқ фикр юритадиган бўлди. Балиқчилик соҳасида бунинг бир тасдиғини кўриш мумкин. 60-йилларга қадар фақат соҳилбўйидагина балиқ овланарди. Орадан вақт ўтиб, ов майдони кенгайди ва ўз-ўзидан ўлжа навлари ортди. Кемасозлик ривожлангани сари балиқчилар уммонга чуқурроқ кириб боришга одатланди.



1952-1981 йилларда йиллик овланган балиқ ҳажми 5 баробар ортди. Балиқчилар Самоа оролларигача етиб борди. Уларнинг ўлжаси асосан экспортга кетадиган бўлди.

Албатта, тикланиш ишларини транспорт коммуникацияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. 1960 йилда автомобиль ва темир йўлларни замонавийлаштириш ва янгиларини қуриш бўйича улкан дастур қабул қилинди. 60-йилларда одамлар поездлардан ёки у ер-бу ери ўзгартирилган ҳарбий юк машиналаридан фойдаланарди. 1965 йилда мамлакатда жами 39,5 минг дона енгил ва юк машина ҳамда автобус бор эди. Мамлакатда автомобилсозлик тараққий этиб, йўллар яхшиланди. Бунга ҳам ҳукумат, ҳам хусусий тадбиркорлар ҳисса қўшди. Йўл ҳаммага керак, лекин ҳайдовчига машина, ишлаб чиқарувчига харидор янада керак эди. Тафаккурдаги умумий уйғунлик мамлакатнинг барча йўналишларда илдамлашига имконият яратди. 1998 йилга келиб, Жанубий Кореядаги йўлда юрадиган транспорт воситалари сони 10 миллиондан ошиб кетди.

Қуруқликдаги ҳаракатлар денгиздагига ҳамоҳанг эди. Улсан ва Кожада улкан кемасозлик корхоналари қурилди. Ҳозир Жанубий Кореянинг савдо флоти юзга яқин супертанкер, яна шунча контейнер ташувчи кема, ўнлаб рефрижератор, юздан зиёд юк кемасига эга.

Мана шу саъй-ҳаракатлар, яъни экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш йўлидаги интилишлар мамлакатнинг оёққа туриши ва ривожланишида муҳим омил бўлди. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринлидир: 1966 йили экспортдан келган даромад 250 миллион АҚШ долларини ташкил этганди, 1996 йилга келиб бу кўрсаткич 129 миллиард долларга тенг бўлди.

Албатта, ҳукумат ҳар қанча ҳаракат қилмасин, уриниш бир томонлама бўлса, натижа кутилгандек бўлмайди. Жанубий Кореянинг ютуқларида фидойи халқнинг ҳиссаси беқиёсдир. Бу мавзуга ўтишдан аввал корейслар жамиятининг бўғинларига қисқача тўхталсак. Уни шартли равишда тўрт қисмга бўлиш мумкин. Инсоният XXI асрга қадам қўйибдики, Жанубий Корея халқи ҳамон янбанларни алоҳида ҳурмат қилади. Улар қадимдан ҳукмрон доиралар сирасига кирган, барча давлат лавозимларига эгалик қилиб келган. Чунинлар ўртаҳол одамлар бўлиб, олий табақадаги зодагонлардан бироз қуйида турган. Улар девон ва маъмурият ишлари билан шуғулланиб келган, жойларда маҳаллий раҳбарлик лавозимларини эгаллаган, мансабни мерос қолдириш ҳуқуқига эга бўлган. Кейинги тоифа санминлар, деб аталади. Бу сўз "оддий одамлар" ёки "авом" маъносини англатади. Аҳолининг асосий қисми санминлардан ташкил топган. Деҳқон, балиқчи, косиб, савдогар, қуйи поғонадаги амалдорлар шу тоифага кирган. Энг қуйида эса давлат ё зодагонларга тегишли қуллар, қассоблар, жаллодлар турган. Улар чхонминлар деб аталган.

Мана шундай жамиятда азал-азалдан маърифатли, ижодкор, истеъдодли одамлар эъзозланиб келган. Таълим-тарбия ҳам ёшларни асосан давлат хизматига тайёрлашга йўналтирилган. Кўп йиллик ўқишни, табиийки, янбанларнинг чўнтагигина кўтарар эди. Шу боис ижтимоий фанлар ва адабиётда уларнинг ўрни билиниб туради. Бошқа табақалар вакиллари кўпроқ табиий фанларда ўз истеъдодини очган.

Одамлар билим олишдан, малака оширишдан рағбат сеза бошлади, ўз ақли, тадбиркорлик қобилияти билан бойлик ва мансабга эришиш мумкинлигига амин бўлди. Шунинг баробарида юртга меҳр туйғуси куч-ғайратни шахсий манфаат билан Ватан манфаатига бирдек йўналтиришга ундади. Фуқаро фаровон бўлса, мамлакат — фаровон, мамлакат фаровон бўлса, одамлар — фаровон, ақидасига қаттиқ амал қилинди.

Ёппасига ҳамма биринчи галда фарзандларининг таълим-тарбиясини кучайтиришга киришди. Болаларга болалик учун деярли бўш вақт қолдирилмади. Айрим ота-оналар фарзандларига раҳми келар, моддий жиҳатдан қийналар, лекин жигаргўшаларининг эртанги ҳаёти тўла таъминланган бўлишини ўйлаб, ҳамма мушкулотга чидар эди. Ҳар бир боланинг кун тартиби ўқиш, меҳнат, уйдаги дарс, бирор ҳунар машғулоти, спорт билан тўлдирилганди. Асосий шиор: "Болага бўш вақт қолдирмаслик" эди.

Ўша вақтдаги таълим тизими ҳозир ҳам деярли сақланиб қолган. Бошланғич таълим давлат назоратида. Ўрта мактаб ва тўлиқсиз ўрта мактаб пулли бўлиб, ота-оналар зиммасида. Бу мактабларда асосий фанлар ўқитилади. Техникавий ва профессионал тайёргарлик учун хусусий ўқув муассасаларига борилади. Улар жуда кўп ва хилма-хил.

Кўриниб турибдики, корейс халқи бугунги тараққиётга осонликча эришгани йўқ. Бунинг ортида узоқ йиллик фидокорона меҳнат, матонат, ватанпарварлик ётибди. Шу хусусиятлари туфайли халқ ўз мамлакатини дунёнинг энг илғор давлатлари қаторига кўтара олди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

# Ҳавас улғайиб, ихлосга айланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Қирғизистоннинг Норин туманидан келдик, — дейди ўзини Турсунбой Суюнов деб таништирган киши. — Гапнинг рости, Андижонга ҳар гал келганимда ўзгача оламга киргандек бўламан. Қаранг, спорт иншоотларини, кўзни қувонтиради. Ўзим ҳам спортчи бўлганман. Болаларимда ҳам спортга муҳаббат уйғотиш учун барча шарт-шароитни яратиб бермоқдаман. Аммо бу муҳитга ҳам боғлиқ экан. Яъни, спорт билан шуғулланмоқчи бўлган кишининг ён-атрофидагилар ҳам бунга ошно бўлса унинг тарғиб этилиши тезлашади. Нафақат болалар, балки барча ёшдаги кишилар ҳам спортнинг нима эканлигини теранроқ англайди. Мана бу стадионларга қараб туриб ҳавасим ортиб бораяпти. Қанийди, бизда ҳам шундай майдонлар бўлса-ю, ёшлик шижоати билан тинимсиз спорт билан машғул бўлсам.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари, ҳукуматимизнинг, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига катта эътибор қаратаётгани боис ёш авлод қалбида спорт орқали ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғулари жўш урмоқда. Лекин фақат шу билан чекланмаслигимиз керак. Ахир ҳавас уйғонган билан ҳаракатдан дарак бўлмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Президентимиз яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида бу ҳақда гапириб, биз спорт билан шуғулланиш деганда ҳамманинг профессионал спортчи бўлишини тушунишни эмас, балки бу жараённи соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтириш кераклигини таъкидлади.



## Ўйинлар кундалиги

**ШАХМАТ.** Спорт беллашувларидаги шахмат баҳсларида ҳам дастлабки пешқадам жамоалар номи аниқланмоқда. Айни кунда Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари икки очкодан тўплаб, 1 ва 2-ўринларни эгаллаб турибди. Сурхондарё, Самарқанд, Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри жамоалари ҳисобида эса 1,5 тадан очко бор.

**ФУТБОЛ.** Шаҳрихон, Олтинкўл туманлари марказий ўйингоҳларида бўлиб ўтаётган мусобақаларда Андижон, Фарғона ва Наманган вилояти футболчи ёшлари пешқадамлик қилмоқда.

**ВОЛЕЙБОЛ.** Ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда бухоролик ёшлар Қашқадарё жамоасига имкониятни бой берган бўлса, фарғоналиклар хоразмлик тенгқурларини 3:0 ҳисобида енгишди.

**БАСКЕТБОЛ.** Бугун майдонга тушган Тошкент шаҳри жамоаси Хоразм ёшларини 97:38 ҳисобида енгди. Бухоро-Қашқадарё учрашуви 35:58 ҳисоби билан якунланди. Наманган ва сирдарёлик ёшлар ўртасидаги баҳсда йирик натижа — 64:15 ҳисоби қайд этилди.

ДУНЁГА НИГОҲ

# Ироқ: ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Уч босқич

Ироқни оёққа турғазишда, шубҳасиз, мунтазам ва барқарор давлат бошқарувини ўрнатиш, оғир аҳволда қолган аҳолига зудлик билан ёрдам кўрсатиш энг устувор жиҳатлардир. Айни пайтда мамлакатдаги 27 миллион киши озиқ-овқатга муҳтож. БМТ ҳисоб-китобларига қараганда, уларга ҳар ой ўртача 480 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатиш зарур. Бунда албатта, БМТ ва бошқа гуманитар ташкилотлар катта роль ўйнайдилар. Яна бир долзарб масала — бугун жуда оғир аҳволда қолган соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришдир.

BBC телекомпаниясидан олинган маълумотга кўра, Ироқни қайта тиклаш жараёни мукаммал режа асосида амалга оширилади. Бу режа БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан келишилган ҳолда Иттифоқчилар (АҚШ ва Буюк Британия) томонидан ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Режага мувофиқ, бир йил ичида Ироқда давлат бошқаруви шакллантирилиб, бу жараён уч босқичда амалга оширилади: *Аввало ҳарбий бошқарув тўхтатилади, Ироқ ҳукумати шакллантирилади ва мамлакат раҳбари тайинланади. Бу лавозимга илгари Ироқ Миллий конгресси раиси бўлган* **Аҳмад Чалаби***нинг тайинланиши кутилмоқда. Тўла ҳуқуқли ҳукумат ва сайлов асосида ташкил этиладиган вакиллик органлари тузилади.*

Ироқни иқтисодий жиҳатдан қайта тиклашда аввало, нефть заҳираларидан фойдаланилади. Дарвоқе, Ироқ нефти ҳақида. Бу мамлакатда нефть қидирув ишлари ва уни қазиб олиш 1927 йилда бошланган. Айни пайтда бу ерда 112,5 миллиард баррель (*бир баррель — 159 литр*) нефть захираси топилган бўлиб, ҳали текширилмаган ҳудудларда яна 200 миллиард баррель нефть мавжуд бўлиши мумкин. Нефть заҳираси бўйича дунёда Саудия Арабистонидан кейинги иккинчи ўринда турадиган Ироқ 1991 йилга қадар кунига 3,5 миллион баррель нефть экспорт қилар эди. БМТ санкциялари кучга киргач, бу рақам 2 миллионга туширилди. Техас (АҚШ)даги Рис университети олими Жеймс Бэйкернинг айтишича, мамлакат нефть саноатини ўша даражага етказиш учун яна 18 ой вақт керак бўлади, дейилади USA Today газетасида.

## Ўнгланиш қанчага тушади?

Қайта тиклаш харажатларини мутахассислар турлича баҳоламоқдалар. Айримларнинг фикрича, бу маблағ энг кўпи билан 500 миллиард, энг камида 60 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши мумкин, дейилади Associated Press ахборот агентлиги тарқаттан маълумотларда. Умуман, Ироқни қайта тиклашга кетадиган маблағларни тасниф қилсак, қуйидаги алоҳида жиҳатларни ажратиб кўрсатиш жоиз: Ижтимоий ёрдам мақсадлари (озиқ-овқат, тиббий дори-дармонлар ва бошқалар) учун 1-10 миллиард; Ҳукумат, фуқаро хизмати ва полицияни шакллантириш учун 5-10 миллиард; Амалга ошириладиган ишлар билан боғлиқ равишда бинолар ва иншоотларни қайта барпо этиш учун 105 миллиард атрофида; Ироқнинг ташқи қарзлари учун 62-361 миллиард АҚШ доллари миқдорида.

Бироқ бу мамлакатнинг нақадар тез оёққа туриши билан ҳам боғлиқ. Шуни унутмаслик керакки, Ироқ нефть заҳиралари билан биргаликда қишлоқ хўжалигида ҳам қулай имкониятларга эга. Шунингдек, "*Бу ерда гап бозор иқтисодиёти ҳақида кетмоқда. Ва бу нархлар ҳаракати билан ҳам боғлиқ*", дейди Дунё Бозор Тадқиқотлари ташкилотининг Иқтисодий башоратлар бўлими бошлиғи Жан Рандольф.

Қиёслаш учун битта маълумотни келтирайлик. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Маршал режаси асосида Европани қайта тиклаш учун 13 миллиард доллар маблағ кетган эди.

Washington Post газетасининг ёзишича, қайта тиклаш жараёни аввало, вайрон бўлган юзлаб иншоотлар, хусусан, йўллар, кўприклар, туннеллар, портлар, мактаб ва касалхоналар, бундан ташқари, нефть ишлаб чиқариш тизими иншоотларини таъмирлаш ва қайта барпо этиш билан бошланади. Шунингдек, Ироқ миллий валютасининг алмаштирилиши ҳам кутилмоқда. Ҳозир Швейцарияда босилаётган янги пул бирлиги мамлакат иқтисодиётида эркин молиявий муносабатларнинг изга тушиб кетишига катта туртки бўлади.

Ижтимоий ҳаётни йўлга қўйишда мамлакатда эркин матбуот, радио ва телевидениени ҳам шакллантириш жуда муҳим аҳамиятга молик. Ҳозирданоқ, Ироқда илк мустақил телестанция ишга тушди. Саддам Ҳусайн даврида ироқликлар 33 йил давомида фақат битта — БААС партияси назорати остидаги телеканални томоша қилишар эди. 13 май куни кеч соат 6 дан эфирга чиқа бошлаган янги телестанция Ироқ ижтимоий ҳаётида катта воқеадир. "*Мен энди ўзим истаган ва лозим деб топган мавзуларни танлаш ва уни аҳолига хоҳлаганимча етказиш эркинлигига эгаман*", дейди мустақил станция тележурналисти Маҳмуд Фауд.

Ироқ иқтисодиётини оёққа турғазишда яна бир катта муаммо турибди. Бу — Ироқнинг ташқи қарзларидир. Йирик кредиторлар — Россия, Германия, Франция каби мамлакатлар ўз ниятида ўта қатъий турибдилар. CNN маълумотига кўра, Вашингтонда бўлиб ўтган Еттилик учрашувида немис молия вазири Ханс Эйхел "*Биз ўз пулларимизнинг қайтиб келишини кутмаяпмиз, биз ўз пулларимизни қайтариб оламиз*", деган. Кредиторлар орасида Саудия Арабистони, БАА, Қувайт каби давлатлар ҳам бор. Шуни айтиш керакки, бу қарзларга 20-30 йил бўлган. Улар 1953 йилдаги *Париж клуби шартномаси* асосида ҳисоб-китоб қилинади. Бу борада фикр юритиб, Британ Қироллик институти мутахассиси Брижит Гранвил шундай дейди: "*Йиллар давомида бу қарзлар қайта-қайта ҳисобланган. Бу борада кўп музокаралар бўлган. Ҳаммаси ана шу шартномага боғлиқ. Бироқ йирик кредиторлар жуда катта пул олмаслиги ҳам мумкин*". Резолюцияга кўра, Ироқ, мамлакатда халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган янги ҳукумат шакллантирилмагунча кредиторларнинг талабларидан озод қилинади.

## Иқтисодий кураш

Қайта тиклаш жараёнида иштирок этиш учун дунёнинг кўплаб фирма ва компаниялари ўртасида кураш авжига чиқди. Бу мавзуда АҚШ маъмурияти махсус йиғилиш ташкил этиб, Ироқдаги минглаб бино ва иншоотларни таъмирлаш, нефть саноати тизимини ривожлантириш ва ишга тушириш, бошқа йўналишларда фаолият олиб бориш учун фирмалар ўртасида тендерлар эълон қилинишини айтди. Айни пайтгача, 10 мингга яқин фирмалар рўйхатдан ўтган бўлиб, битта шартноманинг ўртача қиймати 1 миллион доллар бўлиши кутилмоқда. Бу ишда ироқлик бизнесменларнинг ўзлари ҳам фаол қатнашиш ниятида. Саддам режимининг куч билан ағдариб ташланишига қарши бўлган Франция ва Германия ҳозирча жим турибди. Аммо, тендерлар тенг ҳуқуқли тамойиллар асосида ўтади. Муаммо шундаки, барқарор ҳукумат шаклланмаган давлат ҳудудида хавфсизлик юқори даражада таъминланган эмас. Тендер эълон қилиш лойиҳаси раҳбари Том Элкинс йиғилишда барча фирма ва компаниялар вакилларига шундай деди: "*Сизнинг хавфсизлигингиз ўз зиммангизда. Буни биз таъминлаб бермаймиз*". Reuters маълумотларига қараганда, шу кунгача бу борада 2 та шартнома имзоланган. Булардан бири ҳарбий ҳаракатлар бошланишидан олдинроқ, март ойида Халлибуртон фирмаси (АҚШ) билан тузилган бўлиб, у Ироқ нефть инфратузилмасини қайта тиклашда иштирок этиш тўғрисида эди. Иккинчиси USAID (АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги) билан имзоланган 5 миллион доллар қийматидаги шартнома — Ироқ жанубидаги Умм Қаср портини ривожлантириш ҳақида. Зеро, Ироқ учун иқтисодни тиклаш йўлидаги кураш бошланди.

Бир сўз билан айтганда, бу курашда ким енгиб чиқишининг у қадар катта аҳамияти йўқ. Муҳими, 33 йил зулм ва қолоқликда яшаган, 12 йиллик таъқиқли чораларда қийналган, иккита урушни ўз бошидан кечирган Ироқ халқи ниҳоят тараққиётга юз тутади.

**Ботиржон ҒОФУРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


# Ўзбек-Япон маркази

## СИЗЛАРНИ UJCНИНГ БЕШИНЧИ АНЖУМАНИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

**Япония ҳақида турли ахборотлар бериш мақсадида Ўзбек-Япон марказида кўплаб анжуманлар ўтказилади. Бешинчи анжуманга ўз соҳасининг етук билимдони, Япония халқаро ҳамкорлиги тарихи ва ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганган мутахассис, «Халқаро тараққиёт журнали» бош муҳаррири Араки Мицумини таклиф этганмиз. Ривожланаётган мамлакатлар учун мўлжалланган ODA (ривожланишга расмий кўмак) дастури, Япония халқаро ҳамкорлиги соҳасида алоҳида ўрин тутади. Араки Мицуми жаноблари «Япония ODAсининг энг янги тамойиллари» мавзусида маъруза қилади.**

**Бу япон ODAси билан танишиш учун ажойиб имконият.**
**Сизни анжуманимизга таклиф этамиз!**

**Ўтказилиш санаси** — 2003 йил 10 июнь (сешанба).
**Вақти** — 14.30 дан 16.00 гача.
**Жойи** — Халқаро бизнес маркази, 9-қават.
**Маърузачи** — Бош муҳаррир Араки Мицуми жаноблари.
**Ташкилот** — «Халқаро тараққиёт журнали»
**Мавзу** — «Япония ODAсининг энг янги тамойиллари»
**Тили** — япон (русча таржима билан) тили
**Иштирокчилар** — Ўзбекистон ҳукумати ташкилот ва муассасалари, Япония элчихонаси, JICA ва унинг собиқ стажерлари, Япон-Ўзбек маркази, ишбилармон доиралар вакиллари.
**Иштирок учун тўлов** — талаб этилмайди.
**Иштирок этиш шартлари** — телефон ёки электрон почта орқали аввалдан рўйхатдан ўтиш.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар:**
137-48-62 , 137-48-63, 137-48-69.
**Мулоқот учун** — Наргиза, Ширин. **E-mail:** info@ujc.uz


Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазирлик бўлим бошлиғи ўринбосари Лола Воҳидовага волидаи муҳтарамаси
**ХАЙРИ онанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси I-болалар жарроҳлиги кафедраси мудири, профессор Амин Сулеймановга волидаи муҳтарамаси
**Ойим ая ЧУЛИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси Миллий банк Бадиий галереяси директори, Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоси Акмал Нуриддиновга падари бузруквори
**ВАҲОБЖОН отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси институт ректорининг биринчи муовини Элшод Набиевга опаси
**ЧЎЛПОН опанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Toshshaharnur» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси «Андижончироқ» корхонаси раҳбари
**Раҳим РАШИДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

